Охунжон ҲАКИМ



# МАЛАКЛАР ЖИЛВАСИ БИРЛА

## БЎЛСАНГ

*Яратгандан кўрмагил, агар нотавон бўлсанг,*
*Ота-онанг, элингга бир тирик товон бўлсанг.*
*Доврuқ билан келмаган дунёга ҳеч улуғ зот,*
*Бўлмасмиди алардек соҳиби замон бўлсанг?*
*Пешонангга не қисмат ёзилиши — феълингдан,*
*Ўзингдан кўр, э, инсон, харобу сарсон бўлсанг.*
*Четлаб ўтгувчи сендан турфа бало-офатлар*
*Яхши ниятлар айлаб оқилу комрон бўлсанг.*
*Фалакларда чарх урган сор лочин ошёни — ер,*
*Боқиб юргил заминга, агарчи, осмон бўлсанг.*
*Ҳаёт сирру синоат кони экан, Охунжон,*
*Дунёда зап ишларни кўргайсан омон бўлсанг.*

## НА ҚИЛДИМ...

*Қўлим очиқ кетса молу дунёсини на қилдим,*
*Ҳаёт билан тенг тургувчи тиллосини на қилдим?*

*Майли, унга сажда айлаб топинсинлар ўзгалар,*
*Бу матоҳнинг ул шайтоний имосини на қилдим?*

*Ҳақман дея, турфа-турфа ғовғоларга дуч келдим,*
*Яна бошга тушадирган савдосини на қилдим?*

*Ёлғон билан гоҳо сени овутмоқчи бўлярлар,*
*Бу кулдириб, ўлдиргувчи шифосини на қилдим?*

*Дили бошқа, тили бошқа каслар ақл бўлурлар,*
*Муллосифат бесубутлар дуосини на қилдим?*

*Тўғри сўзлаб бир бошимга минг бир бало оширдим,*
*Басе, энди яна янги балосини на қилдим?*

*Дунё ғалат, чин дўст кам-у озор бергувчи бисёр,*
*Бу илону чаёнларнинг уясини на қилдим?*

*Бир кун келиб, дунё вафо қилар дерлар, Охунжон,*
*У дунёда бу дунёнинг вафосини на қилдим?*

## ЖАҲОННИНГ ЛАЗЗАТИН ТОПДИМ...

*Умидим кўп эди, дўстлар, ҳаёт роҳи равонидан*
*Ва ле, ўтдим унинг доим уқубатли довонидан.*

*Гоҳи йиғлаб, гоҳи сиқтаб, гоҳида қарғаб қисматни*
*Ўтиб боргуси ҳар инсон замона имтиҳонидан.*

*Ўшал эрдир, ўшал шердир ким диёнат йўлин тутса,*
*Ҳақиқат тушмаса ҳаргиз дили бирла забонидан.*

*Фаришта сувратинда гоҳи маккорни-да кўрдим,*
*Ногаҳон фарқ этиш душвор яхши касни ёмонидан.*

*Умр бир кун сўнар шаъмдир, ҳаётинг эрса гардкамдир,*
*Не тонг, ҳоқонни-да қисмат аюрса хонумонидан.*

*Ўтар дунёнинг э, дўстлар, заридан қўлни силтарман,*
*Бўлса басдир бир парирў жунун шоирнинг ёнида*

*Охунжон бир умр излаб жаҳоннинг лаззатин топди*
*Малаклар жилваси бирла шароби арғувонидан.*

## ТЕЛБАКИ...

*Гарчи олам пурсаҳоват, мен учун ардоғи йўқ,*
*Кас эрурман на қувонган, на суянган тоғи йўқ.*

*Бу жаҳоннинг олтину дуррига боққум беписанд*
*Ки, дилимнинг битта маҳвашдан бўлак сўроғи йўқ.*

*У мени кўйида ёқди, гарчи этдим жон нисор,*
*Васли чун бир телбадирман, телбаки, нарёғи йўқ!*

*Ёр учун кечиб жаҳондин тарки жон айлай десам,*
*Во ажаб, дўстлар, мени ўлдурадурғон оғу йўқ...*

*Бу жунун, деб ҳолима аҳли тамизлар кулдилар,*
*Англагайми ҳолими кўксида ҳижрон доғи йўқ?*

*Ишқи йўқ зоҳиднамолар, панд-ўгитни бас қилинг,*
*Ошиқ аҳли бори телба, сизга ўхшаш соғи йўқ!*

*Ёр қадрин билмагай, унга тавалло қилмагай,*
*Зари бирла зўри бору белида белбоғи йўқ.*

*Майпараст бўлса Охунжон, ошнолар, ранжиманг,*
*Дунёи кажда унинг ҳушёр юрарга чоғи йўқ!*

## ЎЗИМ...

*Ҳар лаҳза кўрмоқ истардим гулгун дудоқингни ўзим,*
*Лаълга ранг бергучи ул қирмиз яноқингни ўзим.*

*Бир кўриш ўлса насиб гарчи мисоли тоғ эса*
*Кўтарар эрдим ҳама дарду фироқингни ўзим.*

*Жонингга жоним улаб, мен сенга жону дил бўлай,*
*Порлатай шодмон этиб кўнгил чироғингни ўзим.*

*Зулмат ичра қолмасин ул ошиқи зорим десанг*
*Кўрайин ҳар кун сенинг офтоб қароқингни ўзим.*

*Ел бўлиб майли елай гар истироҳат истасанг,*
*Сийпалаб сочу юзу қошу қабоқингни ўзим.*

*Фотиҳ эрмасман Охунжон, менга мулк даркор эмас,*
*Айласам басдир қарам бошдин-оёқингни ўзим...*

Зулфия АШУРОВА



# САҲАРЛАРНИНГ СОҒИНЧЛАРИ

* * *

*Сочларингиз силагим келди,*
*Бу дам кўнглим элагим келди.*
*Элакдаги ундай тўкилиб,*
*Тунни тонгга улагим келди.*

*Кўзларимдан чекинди уйқу,*
*Осмондаги булутдай парқу.*
*Титроқ ичра ҳис ила туйғу,*
*Ишқ-ла жоним ийлагим келди.*

*Тўлиб-тўлиб оқади анҳор,*
*Еру кўкни ёқади баҳор.*
*Борлиқ ифор хуррамдир, хуррам,*
*Тириқликнинг ўзи бир байрам.*

*Сочларингиз силагим келди,*
*Майса янглиғ сийлагим келди.*
*Қошингизда тутдай тўкилиб,*
*Тунни тонгга улагим келди.*

**Ёш шоира Зулфия Ашурова шеърларида ҳарорат бор, эҳтирос кучли. Шу боисдан ҳам унинг машқлари билан ошно бўлар экансиз, бунга тўла қаноат ҳосил қиласиз. Устозлар — «яхши шеърни биринчи мисрасидан билса бўлади», деганларича бор. Зулфияхон мавзуни осмондан қидирмайди, ердан топади. Кўнглига қулоқ тутади, дили нимани буюрса, шуни қаламга олади, халқона мисралар тўқийди.**

**Илҳомбахш умр, сермазмун ҳаёт, баракали ижод сизни асло тарк этмасин, Зулфияхон!**

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ**

## ЭРКАЛИШГА ЗОР АЁЛ

*Эркалашга зор аёл,*
*Бўлмасин ҳеч хор аёл.*
*Тўшагига туздайин*
*Сепилса озор аёл.*

*Тузлар ботса, йиғлагил,*
*Шўрлаб қотса, йиғлагил.*
*Ёнгинангда ёргинанг*
*Ётдай ётса, йиғлагил.*

*Йиғлагило, йиғлагил,*
*Ёшларингни йиғмагил.*
*Бошгинангга болишинг*
*Ботса, ютгил нолишинг.*

*Тунлар узун-узундир,*
*Сенга метин тўзимдир.*
*Ўрим-ўрим сочларинг,*
*Бўйнингга ё тизимдир.*

*Тизим-тизим қалдирғоч,*
*Тизимчамни олиб қоч.*
*Кўнглим мени чўкадир,*
*Йўқланмаган кўчадир.*

*Бу дунёда бор аёл,*
*Эркалашга зор аёл.*
*Тўшагига тўкилиб,*
*Интиқ, интизор аёл.*

* * *

*Сизга бердим кундузларимни,*
*Тонгларимни, юлдузларимни,*
*Бердим шафақ қизарган чоғни,*
*Нилуфарлар гуллаган боғни.*

*Шаршаралар шовқинларини,*
*Шабадалар тўлқинларини.*
*Оламда не бўлсаки гўзал,*
*Бари сизга, эй, қанду асал.*

*Саҳарларнинг соғинчлари ҳам,*
*Оқшомларнинг илинжлари ҳам,*
*Бошингиздан дунёнинг бори*
*Сочқи бўлсин, кўнглим дилдори.*

*Гул юзидан олмай бўсалар,*
*Йўлингизда тонглар отсалар.*
*Қизғалдоқлар — қизил косалар,*
*Бахт тўлдириб Сизга тутсалар.*

*Олқишлашиб тўп-тўп қушчалар,*
*Қуёш янглиғ учиб қўнсалар.*
*Сизга бергум бари-барини,*
*Дунёларнинг олтин зарини.*

# ДУНЁДАГИ ЭНГ ГЎЗАЛ ДАРД

## ёхуд Навоийнинг мангу исёни

*Мутолаа*

Қайс севиб мажнун бўлиб қолгандан кейин унинг ишқли қалби одамлар орасини эмас, саҳрони танлади. Унинг беором қалб ташналиги ҳайвонлар билан суҳбатдан ором топди. Қайсдаги исёнкор бу ўзгаришларни унинг жунунлик табиатидан, ёлғизланишдан изламаслик керак...

Муҳаббатни улуғ ижодкорларнинг ҳаммаси тарғиб қилишган. Дейлик, Қайс-Мажнун саҳрога қувилган бўлса, Тоҳир сандиққа солиб дарёга ташланган, Машрабни девона аташган... Хўш, ҳаёт нега ошиқларни хуш кўрмаган? Ҳаёт эмас, жоҳиллик — жоҳил ҳаёт хуш кўрмайди севгини. Қайсни жоҳиллик саҳрога қувлаб юборган. Тоҳирни жаҳолат сандиққа қулфлаган. Чунки севги, муҳаббат жаҳолат табиатига мослашмайди, кўникмайди.

Севгини таърифлашаётганда гўё инсон руҳиятига кўзгу тутишади. Унинг илдизлари руҳий жараёндан изланади. Ҳар қалай, севги руҳий жараён эканлиги ҳаммага аён. Севган одамнинг қалбига қулоқ тутилади, руҳий ўзгаришларига эътибор берилади. Ғарб психологларида «руҳан соғлом одам сева олади», деган қараш бор. Шарқда ҳам руҳий камолот йўли сифатида қаралади севгига. Ибн Сино уни касаллик сифатида «Тиб қонунлари»га киритган эса-да, унинг руҳни даволовчилигига катта эътирофи бор.

Инсонни руҳан юксалтирадиган дард — севги. Унинг азоблари инсон қалбига битмас-туганмас завқ беради. Қийноқлари туйғуларни тарбиялайди. Камолотга етказдиради ҳижронлари. Бекорга ғарбу шарқ адабиёти севги номли машаққатни тарғиб қилмаган. Мутасаввуфлар Оллоҳга етишиш учун севгини танлаганлари тасодифий эмас. Шеъриятнинг ибтидоси ишқ эканлигида мантиқ бор. Навоий ҳазратлари китобхонни қизиқтириш учун Қайсга ишқ бериб, Мажнун (жинни) қилган, уни абгор аҳволда чўлга олиб чиқишида китобхон дидини қаричлаган эмас. Мажнуннинг фожиали қисматини-да муҳаббатнинг таназзули деб тушунманг. Қайснинг қалбига ишқ тушгандан кейин Ҳайрат кўзи очилди. Гўзалликни кўрди. Ҳислари, туйғулари кўпайди. (Туйғулар фақат инсонда бўлади. Болаликда кўп бўлади Ҳайратлар. Ҳайрат эса беғуборликнинг, покликнинг белгилари. Гўдакнинг кўзи, болаликнинг қалбидир ҳайратлар, ҳаяжонлар. Қолаверса, улар муҳаббатнинг ҳам меваларидир. Севган киши боладек серҳаяжон, сертуйғу бўлиб қолади. Яъни, у янги туғилгандек бўлади. Гўдакнигоҳ ҳайратлари кўпаяди унда. Улғайган сари инсоннинг ҳаяжони камайиб бепарволиги кўпайгандек, мувозанатдаги одамнинг ҳам (севмаган одамнинг демоқчимиз) туйғулари, ҳайратлари кам бўлади дунёга. Гўзалликка фарқлиги, парволиги ҳаминқадар бўлади мувозанатдаги одамнинг).

Ҳислари улғайган дунёнинг минг йиллик бефарқ тарозисидек ўлчовли, ҳайратлари мувозанатли қавмдошлари Қайснинг ҳиссиёту ҳайратларига, медицинадан хабарлари йўқ эса-да, Ибн Синодан ўтказиб ташхис қўйдилар. — Жинни. Лекин бу тамғани Навоий Қайсга унвон қилмади. У ишқни жиннилик деб тушунган қавмдан ўкинди. Унинг жаҳолати жиннилигини тўлароқ кўрсатиш учун кўзгу қаратди, холос. Яъни, кимнинг жинни эканлигини англатмоқчи бўлди.

Мажнун чўлда ҳайвонлар билан дўст тутинди. Улар билан сўзлашди. Уларнинг яраларига малҳам бўлди. Мажнуннинг қалб ярасига улар малҳам бўлишди. Мажнун маънан шу қадар юксалдики, дунёдаги ҳамма жонзотлар биродар эканлигини англади, руҳан, фикран шунга етиб борди. Қавмдошлари кийикни ейиш учун ов қилса, Мажнун уни сирдош сифатида дўст қилди. Чўл жониворларига қорин нигоҳи билан қарашган бўлса қавмдошлари, у меҳр ила боқди. Уни бола қадар мунис, беозор қилиб қўйди. Қавмининг тубан қарашларидан, нафс ботқоғидан халос этди уни чўлга олиб чиққан Ишқ. Аслида қавми яшаётган бўстондан руҳи ором топган чўл яхшироқ эди. Навоий айтмоқчики, нафс, жоҳиллик гулшанидан руҳ, уйғоқлик чўли афзалроқ. Ишқни тушунмаган, гўзалликка ҳайрати йўқ инсонлардан ҳиссиёти, ҳаяжони йўқ ҳайвонлар яхши. Қалбни ҳурмат қилмайдиганлардан кўра, ҳайвонлар билан дўст тутинмоқ маъқул. Қолаверса, Мажнун чўлга эмас, руҳий камолотга, маънан етукликка қувилди. У жонзотларга биродар бўлди, дўст деб билди дунёдаги ҳамма маҳлуқларни — Жоҳиллик тубанлигидан ана шу юксакликка кўтарилган эди Мажнун.

Агар Мажнун ишқи араб саҳросида қолиб кетганида Навоий уни қаламга олиб ўтирмас эди. Бугун биз ҳам эслаб ўтирмаган бўлардик бу ишқ қиссасини. У бугунгача бизнинг онгимизга чак-чак томиб турибди. Огоҳ этаяпти. Огоҳликка даъвати бор унинг. Қолаверса, Мажнун ишқи унинг вафоти билан якунланганда эди, афсонага айланиши маҳол бўлар эди. Қавми қарашлари ғолиб бўлганида биз бугун Мажнун қавмини лаънат билан эсламаган бўлардик. Аслида биргина Мажнун номи учун Од қавми орамизда яшаб юрибди-ку — Қайснинг, Ишқнинг ғалабаси эмасми бу!

Чунончи, фикримизга улкан огоҳлик, ахир, бу қисса: Қайслар, Лайлилар озми орамизда? Од қавми дунёқараши ҳозирги кунда йўқ дейсизми? Кимлардир баъзиларга жинни бўлиб кўринса не ажаб... Хуллас, Навоийнинг ўкинчи ўн бешинчи асрда қолиб кетган эмас. У бугун ҳам яшаяпти. Ўкинч шу.

«Навоий «бешафқат», — деган эди бир курсдошимиз. — Фарҳодни ҳам, Ширинни ҳам ўлдирди. «Лайли ва Мажнун» достонини ўлим билан якунлади. Уларни омон қолдириш учун Навоийга қаламни озгина шафқатли тебратиш кифоя эди, холос. Ишқни ўлдириб, ишқсиз Фарҳод ҳам, Мажнун ҳам яшайверса бўлмасмиди? Ишқни инсон умридан устун қўйматими Навоий?»

Ҳа, Инсониятни тарихдаги бешафқатликлари билан виждон азобига соладиган даражада шафқатсиз Навоий. Навоийда ишқ — ҳақ, ҳақиқат. Ишқсиз, яъни ҳақиқатсиз яшашни Навоий тасаввур қилолмаган. Ишқсиз одам Навоий наздида яшамаса ҳам бўлади. Яшаса ҳам яшамаган бўлади. Лайли ва Мажнун ўлими билан достон ҳам тугайди. Курсдошим айтганидек, Навоийнинг «шафқатсизлиги» шуки, у ишқсиз ҳаётни тириклик деб билмайди. Ишқни ўлдириб, масалан, Мажнунни тирик сақлаб қололмайди — ишқ ўлганда Мажнун ҳам ўлган бўлади, ахир. Чунки уни ишқ тирилтирди. Гуманизмнинг юксак чўққиларига ҳам олиб чиққан — ишқ. Шу дард қавми жоҳиллигидан фарқлантирди, юксалтирди Қайсни. Қавми олдида Мажнун — жинни тамғасини босган бўлса-да, асрлар аро унга шаън олиб берди. Қайсга инсоният шарафи Мажнунлиги туфайли бўлди. Ишқсиз эса Мажнун тарих чанги остида қолиб кетган миллионлаб исмларнинг биттаси, масалан, Қайс бўлиб қоларди, холос. Қолаверса, Од қавмининг тириклиги Мажнуннинг ўлимидан паст. Мажнуннинг ўлими улар тириклигидан аъло ва улар жоҳиллигига қарши кўтарилган байроқдир — бу ўлим. «Лайли ва Мажнун» — инсоният жоҳиллигига қаратилган Навоийнинг мангу исёнидир.

**Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

Суйима ҒАНИЕВА

# «ЖАВОҲИР УЛ-АЖОЙИБ»

## Аёллар шеъриятида муҳаббат изҳори ва...

*Тадқиқот, ахборот*

*Шарқда тазкирачилик анъанаси қадимдан мавжуд. Адабиётлар тарихи, унинг назарий жиҳатлари, адабий мактаблар, адабий жараён, шоирлар ва уларнинг ижодиёти ҳақидаги маълумотлар ана шу тазкиралар орқали бизгача етиб келган.*

Дастлабки тазкиралар адабиёт ва ёндош соҳаларга оид асарлар таркибида, уларнинг муайян бир қисми ўлароқ ёзилган. Масалан, Низомий Арузийнинг «Чаҳор мақола»(1177), Диноварийнинг «Китоб аш-шеър»(XI охири – XII аср), Муҳаммад Равандийнинг «Тазкираи мусаввара»(1172), Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» каби асарлари шулар жумласидандир.

Биринчи алоҳида тазкира асар 1222 йили яратилган бўлиб, Муҳаммад Авфий Бухорий қаламига мансуб «Лубоб ул-албоб»(Юраклар юраги)дир.

Тазкиралар тузилишига кўра турли йўналишларда яратилган:

алифбо тартибида;
таърихига/яъни, вафот ёки таваллуд саналарига/кўра;
ватанларига кўра;
мазҳабларига кўра/сунний, шиа ва ҳоказо/;
маконларининг муқаддаслигига кўра;
нуфуз ва рутбаларига кўра;
насаб ва сулолаларига кўра/ғазнавийлар, темурийлар, жалойирийлар.../.

Дин арбоблари, тасаввуф намояндалари – сўфий, машойих, авлиёлар ҳақида ҳам махсус тазкиралар битилган. Масалан, Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарлари ва бошқалар.

Тазкирачилик анъанасида аёл ижодкорлар – шоиралар ҳақида алоҳида тазкиралар яратиш йўналиши ҳам равнақ топган.

Бу тазкираларнинг адабиёт тарихи учун аҳамияти ғоят катта. Зеро, ўтмишда шоиралар қайси даврда яшамасинлар, адабий жараёнда бевосита иштирок қилмаганлар. Уларнинг аксариятига девон тартиблаш насиб этмаган. Бинобарин, уларнинг ҳаётлари, ижодлари ҳақида ана шу тазкиралар бирламчи манбаълардандир.

Аёлларнинг шеъриятга, шеърий ижодга таважжуҳини бир байт тимсолида кўрсатиш мумкин. Кунларнинг бирида Ҳазрат Ойшани қариндошлари меҳмонга таклиф қилишибди. Пайғамбардан ижозат олиб, меҳмонга бориб келган Ҳазрат Ойшадан Пайғамбар сўрабдилар:

– Бизга меҳмондан нима келтирдинг?

– Расулуллоҳ, мен уларга бир байт ўқиб берган эдим, шуни келтирдим, – дебдилар Ҳазрати Ойша.

Расуллуллоҳ табассум қилиб: «Ўқи-чи», дебдилар.

Араб тилидаги байтнинг мазмуни шундай: «Биз келдик, келдик ҳузурингизга. Бизни қутланг, биз ҳам сизни қутлаймиз. Агар қора хурмолар бўлмаганда, водийингизга келмаган бўлур эдик».

Расулуллоҳ бироз сукут сақлагач, дебдилар:

– Агар кейинги мисрани бундай қилиб ўқиганингизда яхшироқ чиққан бўлур эди: «Раҳмонга итоат қилмаганимизда, водийингизга келмаган бўлур эдик».

Бу маълумот «Мажолис ун-нафоис»нинг форсийга таржимони Фахрий Ҳиротий қаламига мансуб аёл ижодкорлар ҳақидаги «Жавоҳир ул-ажойиб» тазкирасида келтирилган.

«Жавоҳир ул-ажойиб»962/1554-55 йили ёзилган. Бу вақтлари Фахрий Ҳиротий Синдда Шоҳ Арғун саройида хизматда эди. У Шоҳ Ҳасанга бағишлаб «Равзат ус-салотин» номли тазкира (унинг ёзилишига Ҳусайн Бойқаро девонини Ҳасан Арғун мутолаа қилгани ва ҳайратга тушгани сабаб бўлган эди) ва «Саноеъ ул-ҳасан»(Гўзал санъатлар) номли шеърий санъатларга оид асар ёзган эди.

«Жавоҳир ул-ажойиб» муқаддима ва асосий қисмдан иборат бўлиб, муқаддима, одоби таснифга кўра, Оллоҳ исми билан бошланиб, унинг ҳамди, Пайғамбар наъти, мамдуҳлар(Шоҳ Таҳмасп, Жалолуддин Муҳаммад Акбаршоҳ, Мирзо Ҳасаншоҳ, унинг биродари Мирзо Муҳаммад Исо Тархон, Моҳимбегим ва Ҳожи бегимлар) ҳамда асарнинг ёзилишига сабаб бўлган шоира Меҳри Ҳиротийнинг Ҳофиз Шерозийга жавобия ғазали ҳақида тўхталиб ўтилади.

Юқорида номи келтирилган Ҳожи бегимни Моҳим бегим ҳам деб аташган, у муайян муддат Ҳасан Арғун никоҳида бўлган ва унинг вафотидан сўнг Мирзо Исо Тархонга турмушга чиққан. Тазкира қўлёзмаларидан бирида асар ана шу Моҳим бегимга бағишлангани таъкидланади. Бошқаларида эса, Акбаршоҳнинг энагаси(Акбаршоҳ унга Она деб мурожаат қилар, айтганларини мутлақо қайтарган эмас, дейдилар), ғоят саховатли ва юксак эътиборли аёл Моҳим бегимга бағишланади, дейилади.

Фахрий Ҳиротий муайян сиёсий воқеалар тақозоси билан Акбаршоҳ саройида ҳам хизмат қилган. Шу вақтлари айрим мулоҳазаларга биноан ўз тазкирасини шу Моҳим бегимга бахшида қилган бўлиши керак. Бундай воқеалар адабиёт тарихида учраб туради.

Энди тазкиранинг ёзилишига сабаб бўлган Фахрийнинг қўлига тушиб қолган Меҳрий Ҳиротийнинг Хожа Ҳофиз ғазалига жавобия ғазали ҳақида. Ҳофизнинг машҳур:

**Ёд бод онки, сари кўйи туам манзил буд,**
**Дийдаро равшан аз хоки дарат ҳосил буд —**

(Мазмуни: «Ёдингда бўлсин, сенинг кўчанг – менинг манзилимдир; Кўзим равшанлиги сенинг эшигинг тупроғидан ҳосил бўлади») матлаъи билан бошланадиган ғазали Шоҳ Абу Исҳоқ - инжулар сулоласининг охирги ҳукмдори Шарофуддин Маҳмуднинг ўғли, илмпарвар, аҳли ҳунарга иноятли шахсга бағишланган. Ғазалдаги барча тимсоллар, санъатлар мамдуҳ таърифи ва унга шоирнинг муносабатини очишга хизмат қилади.

Меҳрида эса, бадиий ният бутунлай бошқача — фақат ҳаяжон, ҳис-туйғу, армон-ўкинч, аёллар қисмати қаламга олинади. Замондошлари бу жавобияни Ҳофиз ғазалидан (эмоционал таъсирчан санъатлардан истифода этиш даражаси нуқтаи назаридан ҳам) баланд санашган ва унга кўп татаббуълар ёзилган.

«Жавоҳир ул-ажойиб»нинг асосий қисмида 31 шоира ҳақида маълумот ва улар ижодидан намуналар келтирилади.

Маҳсатий Ганжавий, Меҳри Ҳиротий, Офоқ бегим Жалойир, Бибича Мунажжима, Ниҳоний Шерозий, Ҳижобий, Бедилий каби шоиралар ҳақидаги кўп янги фикрлар ва шеърлар, йигирмадан зиёд шоиралар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уларнинг ижодларидан намуналар эса, адабиётимиз, адабий алоқаларимиз тарихига янгиликлар бўлиб киради. Айниқса, шоираларнинг туркийдаги шеърлари ниҳоятда аҳамиятлидир. Масалан, Мўғул хоним – Муҳаммад Шайбоний ҳарамидан, Муҳаммад Раҳим Султоннинг онаси. Ақл, фаросатда беназир, «фитрати назм жавоҳири билан музайян» бўлган бу шоиранинг:

**Демаким, дардингни изҳор айла дилдор оллида,**
**Қайси бир дардимни изҳор айламен ёр оллида —**

матлаъли ғазалига Убайдхон, Рустам Али – Қосим Туркий ўғли, Муҳаммад Солиҳ, Шавқий Чечактуий, Ёмғурчибек ўғли Валибек жавоб ёзганлар.

Биби Яздий — Маймана вилоятидан(у ерда туркий элат яшайди, деб таъкидлайди Фахрий), Мавлоно Оҳий қариндошларидан. «Табъи латофатдан холи бўлмаган» бу шоиранинг «муносиби рўзгор» ёзилган бир байти келтирилади:

**Сабр этиб даврон аро давлат талош этмак керак,**
**Майда истар эл кепак бирла маош этмак керак.**

Бу байт Кепак Мирзо (Султон Ҳусайн Мирзонинг Муҳаммад Муҳсин исмли ўғлини шундай аташган, онаси Латиф Султон оғача) ўша вилоятларда бўлганида ёзилган, деб ёзади Фахрий.

Тазкиралардаги шоиралардан Заифий, Биби Отуннинг эрлари билан ёзишма шеърлари, Биби Ҳаётнинг Ҳофиз, Жаҳон хотуннинг Убайд Зоконий, Бибича Мунажжиманинг Жомий билан мушоаралари ғоят мароқли маълумотлардир.

Фахруннисо Нисоийнинг:

**Зи ҳушёрони олам ҳар киро бидам ғаме дорад,**
**Дило, девона шав, девонаги ҳам оламе дорад —**

(Мазмуни: «Олам ҳушёрларидан ҳар кимники кўрдим, ғамли эди; Эй дил, девона бўл, девоналикнинг ҳам ўзгача олами бор») матлаъли ғазалига қилинган татаббуъларнинг келтирилиши шеъриятда ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан ўзига хосликларни анъана чамбарида тимсоллар, тасвирий воситалардаги хусусиятларни юзага чиқариш, шунингдек, айрим машҳур ғазалларнинг яратилиши тарихини кузатиш, уларни қиёсан таҳлил этиш имкониятларини беради.

Асардаги Амир Ёдгорнинг (темурийлардан) қизлари Фахруннисо ва Хонзодахоним, Самарқанд қозисининг қизи (исми, тахаллуси келтирилмаган), Шоҳ Малак Саййида Бегим, Биби Орзуий Самарқандий, Офоқ Бегим Жалойир, Подшоҳ Хотун, Биби Ҳаёт, Жаҳон Хотун ҳақидаги маълумотларнинг аксари бошқа тазкираларда учрамайди. «Жавоҳир ул-ажойиб» бу жиҳати билан ҳам бебаҳо манбаъдир.

Шеъриятни юрак садоси, юрак нидоси, дейдилар. Шеъриятни ғоят мураккаб, ниҳоятда зиддиятли ҳис-туйғулар олами, дейдилар. Аёллар шеъриятида ана шулар мутлақо бошқача овозга, оҳангга, жило-жозибага эга. Аёллар шеъриятида тимсоллар ўзгача, гўзаллик баёни ўзгача, муҳаббат изҳори ўзгача, дарду аламнинг баёни бошқача, ҳайрат бошқача, ҳаяжон, ўкинч, куйиниш бошқача...

Тазкира ёзилишига туртки бўлган Меҳрининг ҳофизга жавобия ғазалидан бошлаб унда келтирилган шоираларнинг шеърлари бизни шеъриятнинг ўзгача оламига олиб киради, бу шоираларнинг ўз замонларига ҳамнафас, адаб аҳлига ҳамовоз бўлишга интилганликлари эса бизда, шубҳасиз, таважжуҳ уйғотади. Бу тазкира Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси таъсирида ёзилгани ҳам диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб-чиқариш бирлашмаси ва Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимовга волидаи муҳтарамалари **ОЙИНИСО** ая вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

